

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
ШАРТНОМА № 61

80-8968961.7
91-11570311.7

“10” январь 2022 йил.

0,5
Когон тумани.

“Бухоро нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “Маҳсулот етказиб берувчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **И.И.Норов** бир томондан, (кейинги ўринларда “Истеъмолчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари _____ иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотлари тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича							
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак	
				тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма
Автобензин АИ-80	2,5	89624617	22421154.25	0,625	5605288,0, 5625	0,625	5605288, 5625	0,625	5605288, 5625	0,625	5605288, 5625
Автобензин АИ-91											
ДТ											
ЖАМИ:											

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади. Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва таркатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси 22421154.25 (_____) сўмни ҚҚС билан ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. “Истеъмолчи” нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда “Етказиб берувчи”га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана